

ТАСДИҚЛАЙМАН  
Бюро директорининг  
биринчи ўринбосари  
Харид комиссияси раиси



Ш.Б. Хайдаров

**Энг яхши таклифни танлаш учун ҳужжат**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш бўйича энг яхши таклифни танлашда иштирок етишга таклиф қилади.

Харид қилиш предмети номи: Мажбурий ижро бюроси марказий маҳкамаси маъмурий биноси олд ҳовлисининг кўринишини янада кўкаламзорлаштириш декоратив гуллар, манзарали дарахтлар ўтқозиш ва безатиш бўйича ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш.

**Умумий маълумотлар**

1. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш тартиби: электрон кўринишда.
2. Энг яхши таклифни танлаш ва ушбу танлаш бўйича барча ёзишмалар давлат (ўзбек) ёки рус тилида тақдим етилиши мумкин.
3. Танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълон махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига танлаш иштирокчиларнинг таклиф бериш муддати 5 (беш) иш куни этиб белгиланади.
4. Харид қилиш валютаси: сум.
5. Молиялаштириш манбаи: бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан.
6. Тўлов ва етказиб бериш шартлари:
  - Энг яхши таклифни танлаш иштирок этиш учун: залоғ талаб этилмайди.
  - Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан 5 (беш) банк иш куни ичида шартнома умумий суммасининг ўттиз фоиз миқдорда аванс тўловини амалга оширилади. Яқуний тўлов Бажарувчи ва Буюртмачи бажарилган хизматларни қабул қилиш ва топшириш далолатномасини имзолаганидан кейин 10 (ўн) банк иш куни ичида амалга оширилади.
7. Ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш муддати: 10 банк иш куни.
8. Ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш солиқлар (ҚҚС, аксиз ва бошқа солиқлар), бож ва йиғимлар ҳисобга олинган ҳолда бошланғич баҳоси – 28 (йигирма саккиз) млн.сўмни ташкил этади.
9. Ландшафт дизайни хизматларини бажариб бериш манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобад 3-тор кўчаси, 2-А уй.
10. Энг яхши таклифни танлаш билан боғлиқ қўшимча маълумотларни Харид комиссияси ишчи гуруҳининг (71) 207 11-78 (82) телефон рақамларига мурожаат қилишингиз ёки [mib\\_res@exat.uz](mailto:mib_res@exat.uz) электрон почта манзилига сўров жўнатишингиз мумкин.
11. Мазкур энг яхши таклифни танлаш ҳужжатида кўзда тутилмаган тартиб қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонуни асосида тартибга солинади.

## Танлаш иштирокчиларга талаблар

1. Энг яхши таклифни танлаш юзасидан тақдим қилинадиган танлаш ҳужжатларининг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига танлаш иштирокчисининг ўзи жавобгар ҳисобланади.

2. Танлаш иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли.

3. Декоратив гуллар, манзарали дарахтлар ўтқозиш ва безатиш бўйича иловага мувофиқ “Ландшафт дизайни хизматлари учун техник топшириқнома” асосида амалга оширилади.

4. Таклифларни баҳолаш мезони балл бериш усули орқали амалга оширилади.

5. Техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичи: 60 балл.

- Гувоҳнома, лицензия (рухсатнома) бўлиши ва илова қилиниши лозим.

- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўлмаслиги ва қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилиши лозим.

- Ташкилотнинг таъсисчилари тўғрисида маълумот илова қилиниши лозим.

- Корхонанинг охириги 1 (бир) йил ичида ландшафт дизайни хизматлари бажариб бериш ишлари бўйича ташкилотлар билан тузилган шартномаларни рўйхатини илова қилиш (Рўйхатда ташкилот номи, шартнома санаси, рақами ва суммаси).


- Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этишилиши лозим.

Танлаш юзасидан тақдим қилинган таклифларни баҳолаш тартиби юқоридаги 5 дона талаб бўйича, яъни ҳар бир талаб учун энг юқори 12 баллгача белгиланади.

6. Нарх усулининг миқдорий кўрсаткичи: 40 балл.

7. Ўтиш бали: 70 балл.

Комиссия раисининг  
ўринбосари:

 3.С.Халмухамедов


Комиссия аъзолари:

 С.Ш.Юнусов

 Б.Б.Жумаев

 А.С.Ишонкулов

 А.И.Бўстонов

 Б.Х.Содиқов

Комиссия котиби

 Ж.Н.Авазов